2010 йил 26 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (11.727)

Баҳоси эркин нархда



## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Кузиев Менгали Нормухамадович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-темир йўл машина станцияси корхонаси йўл таъмирловчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Юсупов Абдулла Агзамович** — «Кўприк қурилиш тресті» давлат унитар корхонасининг Сирғали туманидаги 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Ахмедов Бехзод Баходирович** — «Уздунробита» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси бош директори

**Каримов Шухрат Мухамеджанович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент телеграф телефон станцияси» филиали директори ўринбосари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Абдуварисов Абдурасул Мажидович** — Собир Раҳимов туманидаги «3-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

**Ахмаджанов Рустам Абдуллаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Ми-8» вертолёти бортмеханик-йўриқчиси

**Гафиятулин Ильдар Шагиахмедович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Боинг» учувчилар отряди командири

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Муминов Хайрулла** — Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

*(Давоми 2-бетда).*



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

**Ислоҳотлар оқимида**

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

**Тадбиркорлик ҳамма вақт жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодиёт йўлида хизмат қилган.**

Мазкур тамойилга амал қилинган ҳолда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, хорижий сармоядорларнинг ҳамкорликда иш юритиши учун барча шарт-шароит ва енгилликлар яратилди. Бу албатта инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Сергели туманида янги «Ташбрунинтекс» қўшма корхонаси иш бошлаши ҳам шу ислоҳотлар шарофатидан десак, янглишмаймиз.

Ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу корхонанинг қурилиши, асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, пировардида 150 та иш ўрни яратилиши учун 27,3 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилган.

– Корхонамизга Швейцариянинг «Rifter», «Luma», «Ustep», Япониянинг «Murata» компанияларининг дастгоҳлари ўрнатилган, — дейди корхона директори Равшан Йўлдошев. — Йил охиригача фаолиятимиз тўлиқ йўлга қўйилиб, қўшимча яна 100 та иш ўрни очилади. Корхонанинг йиллик қуввати 18-20 миллион долларга тенг 6 минг тонна ип-газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган, улар махсус иш кийими билан таъминланган, иссиқ овқат, транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Корхонада бир меъёрда ишлаб турган дастгоҳларни кузатиб, ип узилса, чаққонлик билан улаб, ёки йиғилиб қолса, тўғрилаётган йигит-қизлар эътиборимизни тортди.

— Албатта, ишимиз катта масъулият талаб қилади, адашмасликка ҳаракат қиламиз, — деди тўқувчи Зулҳумор Рўзиева. — Тўқиётган ипларимиз бозорнинг энг харидоргир маҳсулоти бўлиши керак. Мақсадимиз сифатли, арзон, жаҳон бозорига бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулот етказиб бериш.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси Халқ маслаҳат ассамблеяси раисининг ўринбосарлари Луқмон Ҳаким Сайфуддин ва Ҳажриянто Ясин Тхохари 25 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашди.**

## ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Индонезия Республикаси Халқ маслаҳат ассамблеяси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Луқмон Ҳаким Сайфуддин. — Бугунги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу куни Индонезия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи музейини бориб кўрди ва Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

**(ЎзА)**

## ЯНА БИР ЯНГИ ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллик куни арафасида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси «Ўзэкспомарказ»да Андижон вилоятининг Асака заводида ишлаб чиқарилган янги Chevrolet Spark автомобилини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.**

Янги автомобиль тақдимоти маросимида «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори Шуҳрат Юсупов Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган мамлакатимиз автосаноати иқтисодиётимиз салоҳиятининг рамзига айланганини таъкидлади. Нуфузли компаниялар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

Damas, Tico, Nexia автомобиллари Ўзбекистон автосаноатининг биринчи «қалдирғочлари» бўлган эди. Кейинчалик Matiz, Lacetti, янги русумдаги Damas, Nexia автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2008 йилда мамлакатимиз автосаноати янги ҳамкор ва салоҳиятли инвестор — General Motors корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака заводида Chevrolet русумидаги Lacetti, Captiva, Epica автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари хориж бозорларидан муносиб ўрин эгаллаб, нафақат юртимизда, балки бошқа давлатларда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда ва харидорлар ишончини қозонмоқда. Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. МДҲнинг 104 шаҳрида ўзбек автомобилларини сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият юритмоқда. Шу йилнинг майида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида «GM Uzbekistan» дистибьюторлик маркази очилди. У ерда мижозларга Асакада ишлаб чиқарилган автомобиллар таклиф этилмоқда.

Энди эса «GM Uzbekistan»нинг янги русумдаги Chevrolet Spark автомобили харидорларга тақдим этилмоқда. 2008 йилнинг сентябрида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси ва Жанубий Кореянинг General Motors Daewoo Auto and Technology компанияси Spark автомобилини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун машина ва ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган эди. 2009 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Асака заводида ушбу русумдаги автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Spark мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган еттинчи русумдаги автомобилдир. Асака заводида ўрнатилган янги конвейер линияси йилига 50 мингта Spark ишлаб чиқариш қувватига эга.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва унинг General Motors корпорациясидаги ҳамкорлари глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, истеъмолчиларнинг маҳсулот турларини кўпайтириш борасидаги талаб ва таклифларини инобатга олиб, янги русумдаги ушбу автомобилни ишлаб чиқаришга қарор қилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.**

**● Юртимизда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказиш давом этмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ташкил этилган ана шундай маърифий тадбирда ҳарбийлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этди.**

**● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида Нукус шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирокида анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари чуқур таҳлил этилиб, янги ўқув йилидаги вазифалар белгилаб олинди.**

**● Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказиб келинаётган анъанавий қовун сайли полизчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Навбатдаги қовун сайлида саксон навдаги қовунлар кўргазма-савдога чиқарилди.**

**● Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб, Бўстонлиқ туманидаги «Пирамида» дам олиш комплексида нодавлат телестудияларнинг ёш теледизайнерлари учун «Янги форматдаги информацион телеканалларда жойлаштирилиши мўлжалланган телемаҳсулотларни монтаж қилиш ва эфир дизайнини бойитишнинг муҳим жиҳатлари» мавзуида семинар ташкил этилди.**

**● Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Жиззах туманининг Учтепа даҳасида 20 оила намунавий лойиҳа асосида қурилган замонавий уй-жойларнинг соҳиблари бўлишди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Россия Федерацияси Польшага жорий йилда Смоленскда Польша президенти парвоз қилаётган самолётнинг авиаҳалокатга учрашига дахлдор бўлган янги ҳужжатларни топширди.**

**● Бугун Филиппинда террорчилик ҳаракати оқибатида 8 кишининг ҳаётдан кўз юмиши муносабати билан мотам куни эълон қилинди.**

**● Франция маъмурлари Европа Иттифоқининг қарши бўлишига қарамасдан мамлакат ҳудудида ноқонуний тарзда яшаётган лўлиларни кўчиришни давом эттирмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан буён 8 мингдан ортиқ лўли ўз ватанлари бўлмиш Болгария ва Руминияга кўчирилди.**

**● Кеча Ироқнинг Киркук, Басра, Бағдод каби шаҳарларида аксарият ҳолларда полиция участкалари, ҳарбий базалар атрофида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари — 14 та миналаштирилган автомобилларнинг портлатилиши натижасида 60 га яқин киши ҳалок бўлди, 280 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**● Эрон Форс кўрфазидаги Хенгам конидан нефть қазиб олишни бошлади.**

**● Кеча Тинчликни таъминлаш борасидаги воситачилиги билан танилган собиқ АҚШ президенти, Нобел мукофоти лауреати Жимми Картер КХДРда ҳибсда сақланаётган ватандоши Гомесни ўз мамлакатига қайтариш юзасидан музокаралар ўтказиш учун Шимолий Кореяга келди.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Алимов Балтабай Миралиевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкабель» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси,

**Бронштейн Владимир Иосифович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Нарбаева Танзила Камаловна** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Насиров Бахтияр Сабитович** — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг «Чилонзор» электрдепоси машинисти

**Острогожская Элла Ильинична** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бош бошқарма бошлиғи

**Раупов Толиб Холович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Эргашев Рустам Машрабжонович** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Амбарцумова Людмила Суреновна** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Голендер Людмила Борисовна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Иргазиева Дилором Саъдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Маматов Равшан Мамаджанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Роюк Владимир Петрович** — Миробод туманидаги «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори

### «Шуҳрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Гульматов Дехкан Бекматович** — Шайхонтоҳур тумани

### «Жасорат» медали билан

**Абдухамидов Абдумалик Абдухалилович** — Чилонзор туманидаги «Байнал-Минал» ногирон ампутантлар футбол клуби футболчиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдусаматов Сергей Юлчибаевич** — Чилонзор туманидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат корхонасининг устаси

**Алимов Якубжан Хакимович** — Учтепа туманидаги «18-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Арслонов Тўхтасин Норкулович** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлим мудири

**Ахмедов Суннатходжа Шарипходжаевич** — «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг ахборот технологиялари бошқармаси бошлиғи

**Ахраров Абдунасирхужа Валиходжаевич** — Шайхонтоҳур туманидаги «Interyer biznes» масъулияти чекланган жамияти директори

**Базаров Тоштемир Шодиевич** — «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Нефть ва газ қудуқларини синаш» очиқ акциядорлик жамиятининг бурғуловчиси

**Балтабаев Махмуд Мадреймович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Ҳувайдо-мебель» масъулияти чекланган жамияти директори

**Гафуров Раим Рахимович** — «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг чилангари

**Горобченко Надежда Павловна** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармасининг бош иқтисодчиси

**Джуманов Рамазон Махкамович** — «Тошмахсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Яккасарой-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси

**Елфимова Евгения Николаевна** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Исмаилова Гульнара Зайнитдиновна** — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг юридик хизмат департаменти директори

**Ишанов Хаким Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Камилов Камалджан Сабитджанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Мирбабаев Баходир Анварович** — «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки Пул муомаласи ва чакана банк хизматлари департаменти бошлиғи

**Нигматов Файзулла Назирович** — Сирғали туманидаги «Тераксзор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Саидиганиев Саидумар Гулямович** — Собир Раҳимов туманидаги «Оникс» акциядорлик жамиятининг ишчиси

**Салимов Фарход Шавкатович** — Ҳамза туманидаги «Энерготаъмир» акциядорлик жамиятининг катта устаси

**Салихов Фахриддин Мухуддинович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Турабекова Дилбар Абидовна** — Яккасарой туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

**Ураков Хуснидин Сайфуллаевич** — Миробод туманидаги «Фотон» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Ядгарова Мавлуда Исмаиловна** — Юнусобод тумани ободонлаштириш бошқармасининг ишчиси

---

Иқтисодиёт

## ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

**«Spring Tekstil» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасада, тадбиркорлик билан олиб борилаётган изланишлар самара бериб, корхона маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар кўпаймоқда.**

Мазкур корхонада бугунги кунда 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда. Энг муҳими эса хорижий дастгоҳлардан фойдаланиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тикилаётган аёллар ва болалар кийим-кечаклари юксак дизайни, юқори сифати билан импорт ўрнини босади, экспортбоплиги таъминланмоқда.

— Ҳозирда 50 турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди маркетинг бўлими мутахассиси Дилфуза Ўринбоева. — Ўзимизнинг фирма дўконимиз фаолиятини йўлга қўйиб, харидорлар учун қулайлик яратилди. Яқин орада маҳсулотларимизнинг 80 фоизини Россия, Туркия, Германия давлатларига экспорт қилишни режалаганмиз.

Айни пайтда корхонада яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини халқаро андозалар талабларига жавоб беришига эришиш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда. Ишчи-ходимларга яратилган қулай шарт-шароитлар эса меҳнат унумдорлигида, маҳсулот сифатида муҳим ҳисса бўляпти.

## ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

**Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Учтепа тумани босқичида тадбиркорлик йўналиши бўйича учинчи ўрин соҳиби бўлган «To'rt Fasl Fayz» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар харидор дид ва талабига жавоб бермоқда.**

Дизайни ва сифатига алоҳида аҳамият берилаётган ушбу товарлар четдан келтириладиган шундай маҳсулотлардан бирмунча арзонлиги билан харидор эҳтиёжини қондиряпти.

— Асосий мақсадимиз хотин-қизларимиз учун табиий чарм хом ашёсидан ранг-баранг сумкалар ишлаб чиқариш бўлиб, — дейди корхона директори ўринбосари Қобил Содиқов, — ҳозирда уларнинг тури 400 хилдан ортиб кетди. Ойига икки мингдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхонада 28 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг сидқидилдан бажараётган ишлари маҳсулот сифатида яққол кўринмоқда. Замонавий дастгоҳлар меҳнат унумдорлигини таъминлашда, буюртмаларнинг вақтида адо этилишида катта аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, янги технологик ускуналар ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳсулотлар асосан табиий чармдан тайёрланади. Алоҳида муваффақиятлар хусусида тўхталиш жоиз бўлса, корхона «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазмасида «Энг яхши дебют» мукофотини олган.

## ШОГИРДЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

**Қўли гул ҳунармандларимиз халқ амалий санъати йўналишлари асосида бетакрор маҳсулотлар яратиш баробарида кўплаб шогирдлар тайёрлашмоқдаки, улар ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда.**

Ҳунармандчиликнинг каштачилик йўналишида ўн йиллик тажрибага эга бўлган Мадина Қосимбекова ҳам ана шундайлар сирасидан бўлиб, бугунги кунда унинг эришган ютуқлари ҳам, тайёрлаган шогирдлари ҳам талайгина.

Мадина ўз ҳунарини намоён этишда адрас, бўз ҳамда шойи матоларидан фойдаланади. Унинг маҳсулотларида ипаклар жилоси ўзгача жозиба касб этганлиги боис ҳам харидорини топмоқда. Айниқса хорижий сайёҳлар Мадинанинг қўлида сайқал топган буюмларга мафтун бўлиб харид қилади, қандай тайёрланиши билан қизиқади.

Кашта устаси тайёрлаган хилма-хил устки кийимлар, пойабзаллар, рўзғор ашёлари, чойшаб, ёстиқ жилдлари, дўппи ва бошқа маҳсулотларда миллий қадриятларимиз ёрқин акс этади. Бунинг учун Мадина доимо изланади, устозлардан ўрганади, шогирдларидан илҳомланади. 100 нафардан зиёд шогирди бугунги кунда устозидан ўрганганлари асосида каштачилик буюмлари тайёрламоқда.

Момоларимиз ҳунарига дилдан меҳр қўйиб, уни эъзозлаётган Мадина Қосимбекова кўплаб кўрик-танловлар, халқаро кўргазмалар, турли тадбирларда ўз маҳорати билан алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. «Дизайн ва мода ҳафталиги», «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар», «Ташаббус» кўрик-танлови ана шулар жумласидан бўлиб, мазкур тадбирлардаги рағбатлар Мадинани янги изланиш ва ютуқларга ундамоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

---

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## ҲАР ҚАДАМДА БАЙРАМ НАФАСИ

**Халқимизнинг Энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик куни арафасида ЎзА мухбирлари Тошкентга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар билан суҳбатлашди.**

**Ичироу ГУШИКЕН (Япония):**

– Ўзбекистонга уч йил аввал янги йил байрами арафасида келган эдим. Бу гал ҳам Тошкентга келишим билан ҳар қадамда байрам нафаси уфуриб турганини ҳис этдим. Халқингиз мустақиллик байрамини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Меҳмонхоналарда, сайилгоҳларда, кўча ва майдонларда байрам кайфияти намоён.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, юртингизда кўплаб миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Бу Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган оқилона сиёсат самараси, бағрикенглик ғояларининг амалий ифодасидир.

**Дипти КАМБАМПАТИ (Ҳиндистон):**

– Мустақиллик майдони, унинг марказидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, атрофдаги бинолар ўз улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди.

Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухородаги меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Ўзбеклар меҳмондўст, ширинсухан, бағрикенг ва саховатли халқ. Файзли юртингизда киши ўзини хотиржам ва бахтиёр ҳис этади. Шу боис бу муқаддас диёрни қайта-қайта кўргим келаверади.

Барча ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган мустақиллик айёми билан чин дилдан табриклайман. Айнан истиқлол шарофати билан бугун Ўзбекистон дунёдаги энг гўзал ва осойишта мамлакатлардан бирига айланди.

**Тадил АЛ-МАСРИЙ (Миср):**

– Мамлакатингизда мустақиллик байрамига катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бу қадим ўлка неча асрлардан буён ўз шавкати, буюк алломалари, даҳо меъморлари, бой маданияти билан тилларда достон бўлиб келади. Гўзал юртнинг фуқаролари ҳам хушрўй ва танти бўлади. Ўзбек халқининг фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди.

Касбим ўқитувчи бўлгани учун таълим муассасалари фаолияти билан танишдим. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётгани эътиборга молик. Ёшларнинг интилувчанлиги, илмга чанқоқлиги мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолат беради.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

---



## ЯНА БИР ЯНГИ ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Chevrolet Spark – модернизация қилинган экстерьер ва интерьерга эга замонавий автомобиль. У ўзининг қулай ва бежиримлиги, дизайнининг ўзига хослиги билан ҳам эътиборни тортади.

Chevrolet Spark хавфсизлик ёстиқлари билан жиҳозланган ва кузовини тайёрлашда мустаҳкам пўлатдан фойдаланилгани боис хавфсизлик бўйича энг юқори баҳога лойиқ топилди ва EuroNCAP Европа стандартларига оид краш-синовларда тўрт юлдузни қўлга киритди.

Spark инглизчада «учқун» маъносини англатади. «Ўзавтосаноат» компанияси мутахассисларининг Spark қулай ва тежамкор машиналарни хуш кўрадиган ёшлар орасида, айниқса, кенг оммалашишига ишончи комил.

Тақдимот маросимида янги автомобиль мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига автосаноатчиларнинг муносиб совғаси бўлгани таъкидланди. Chevrolet Spark 26 августдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча автосалонларида сотувга қўйилади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

---

**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан жойларда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» ғоясини ўзида мужассам этган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

## МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам Энг улуғ, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида турли тадбирлар уюштирилиб, уларда элимиз ардоғидаги таниқли ёзувчи ва шоирлар, севимли санъаткорлар, адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик иштирок этмоқда.

Куни кеча ушбу масканда шодиёна байрамга бағишлаб ташкил этилган «Маънавият гулшани» даврасига халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, шоир Шукур Қурбон, бошқа таниқли санъаткорлар ва адабиётшунослар таклиф этилди.

Кенг давра атрофида мустақиллик йилларида барча жабҳада амалга оширилган ислоҳотлар пировардида халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганлиги, пойтахтимиз кўрки кун сайин чирой очиб, мегаполис мақомига сазовор бўлиб бораётгани ифтихор билан айтилди. Эл севган санъаткорларимиз ижросидаги она юрт ва Мустақиллигимизни мадҳ этиб янграган куй-қўшиқлар, шўх рақслар, таниқли шоирларимизнинг байрамга бағишланган янги ижод намуналари тадбирга ўзгача файз киритди. Шу куни то кечга қадар боғда байрам шодиёнаси давом этди.




— Мустақиллик — энг улуғ, энг буюк қадриятдир. Тинч ва осойишта юртимизга тўйлар, байрамлар ярашади, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори ўринбосари Музаффар Жаъфаров. — Жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат сингари олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар мустақиллик йилларида яна ҳам қарор топиб юксалди. Халқимизнинг тинч-осойишта яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши, фарзандларимиз ўз билим ва қобилиятини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Байрам кунлари боғимизнинг иккита саҳнасида санъаткорлар, актёрлар, шоиру ёзувчилар иштирокида катта театрлаштирилган дастур намойиш этилади. Қизиқарли учрашувлар, танловлар, викторина ўйинлари ўтказилади. Боғдаги турли хил аттракционлар болажонлар ихтиёрида бўлади. Барчани боғимизда бўлиб ўтадиган шодиёналарга таклиф этиб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Равшан Шокиров олган сурат**

---

Семинарлар

## ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**Янги ўқув йилидан мактаблар ўқув жараёнига жорий этиладиган янгиликлар педагогларни ўз устида янада жиддийроқ ишлашга ундамоқда.**

Юнусобод туманидаги 150-мактабда ҳам «Сифатли таълим – баркамол авлод камол топишининг пойдевори» мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Тадбирда кўргазмали машғулотларда иштирок этиб, янгиликларни ўрганган педагоглар ўрта ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш, узвийлаштирилган давлат таълим стандартларининг мазмун-моҳияти ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги рейтинг тизими, ўқитувчиларнинг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби хусусида тушунтириб ўтилди. Таъкидланганидек, ўқув-тарбия жараёнига тааллуқли ҳужжатлар соддалаштирилганлиги, рейтинг тизимидаги ўзгаришлар асосий эътиборни билим беришга қаратишни тақозо қилади ва билимни баҳолашда катта эркинлик беради. Бу эса ўқувчиларга адолатли, ҳаққоний баҳони қўйиш, уларни рағбатлантириш, ўқишга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам беради.

Семинар қатнашчилари халқ таълими тизимида «Устоз-шогирд» мактаби амалиёти самарадорлигини оширишдаги вазифалар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлишди.

**Д.ҚЎЧҚОРОВА**



# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири, Сенат аъзоси



## ЯГОНАСАН

*Тупроғингда даҳолар хоки,
Ул соҳиби дунёлар хоки,
Боболарки, улуғ чинордек,
Момоларки, Қутлуғ Нигордек.
Чинорларки, бешиклар бўлган,
Келажакка эшиклар бўлган.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!*

*Хазинамсан, тахтим ўзингсан,
Қиёси йўқ бахтим ўзингсан.
Ер юзининг жаннати сенсан,
Яратганнинг санъати сенсан.*

*Жаннатбоғим,ҳазраттоғимсан,
Меҳробимсан, саждагоҳимсан.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!*

*Манглайдаги Дурри Акбарим,
Не кўзларни олган гавҳарим.
Қора ният, ғараз сўзлардан
Асрагаймиз ёмон кўзлардан.
Кўксим ичра юрагим – тумор,
Бу туморда қутлуғ номинг бор.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!*

## ОЙДАН ТУШГАН ЭМАС

*Ҳеч кимни бахт ўз-ўзидан қучган эмас,
Қуш ҳам кўкка машаққатсиз учган эмас.
Ойдин тунлар, осойишта, тиниқ тонглар
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

*Мевасин еб, боғини ҳам сўраб қўйгин,
Керак бўлса, боғ атрофин ўраб қўйгин.
Ниҳолларнинг кокилларин тараб қўйгин,
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

*Бу бинолар қайдан бино бўлди экан?
Ким боболар қаддин расо қилди экан?
Нечук бизни бугун дунё билди экан?
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

*Эртакларда мўъжизалар сеҳр сабаб,
Гулу гиёҳ кўкаргайдир меҳр сабаб.
Тафаккурнинг ҳурлигига недир сабаб?
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

*Ўн саккизга кирган йигит сўзига боқ,
Юзига боқ, олов ёнган кўзига боқ.
Бу энг буюк хазинадир, дўстим, бироқ
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

*Шижоатнинг, жасоратнинг маҳсули бу,
Ироданинг, заковатнинг маҳсули бу,
Улуғ Инсон танлаб олган ҳақ йўли бу,
Ўзбекистон, бундайин бахт ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

## ЮРТ ҚЎШИҒИ

*Бобомнинг байти бор
яproқларингда,*

*Момомнинг тафти бор
чорбоғларингда.
Онамни эслатар райҳонинг,
юртим,
Дадамнинг ҳиди бор
тупроқларингда.*

*Сўлим Хонободдан
Кийиксойгача,
Қутлуғ остонадан
суюк ойгача,
Чироқлар юлдуздек порлар
ҳар кеча,
Мудом ўт гурласин
ўчоқларингда!*

*Тоғларинг бағрида
лиммо-лим тилсим,
Минг йилким, мўйсафид
Шоҳимардон жим.
Сангардак қўшиғин
шарҳлай олар ким?!
Тилло қумлар ўйнар
булоқларингда!*

*Мавлоно Лутфийлар
улфатдир менга,
Шеър лутфи энг тотли
суҳбатдир менга.
Улуғлар исми ҳам
қувватдир менга,
Туғёним – ўйноқи
тойчоқларингда.*

*Бир куйчи ўғлингман,
баётим ўзинг,
Тилимнинг остида
новвотим ўзинг,
Бағрим, жоним ўзинг,
ҳаётим ўзинг,
Дил торим
қалампирмунчоқларингда.*

*Қизғалдоқзорингда
кўмилиб ётдим,
Биллур шабнамларда
чўмилиб ётдим,
Дунёни унутдим,
ўзни йўқотдим,
Мен ҳам ватан бўлдим
қучоқларингда!*

## ЛАЙЛАКЛАР

*Бир ажиб ҳикмат бор
Тошкент тонггида,
Бирдан ҳақиқатга дўнар эртаклар:
Чиғатойдан пастда, Чорсу ёнида
Сайр этиб юрибди оппоқ лайлаклар.*

*Орзулар – уфққа санчилган йўлдай,
Қалб ва юрт бораркан саришта бўлиб,
Осмондан тушдими оқ атиргулдай
Оппоқ лайлакларим фаришта бўлиб!*

*Ноғорани ёдга солар куй чалса,
Ўзимизга ўхшар феълу тилаклар.
Агар полапонга хавф солар бўлса,
Илоннинг бошини янчар лайлаклар!*

*Элимда эзгулик тимсоли бўлиб
Олтин уруғларни сочган қуш ўша.
Қора булутларни чақмоқдек бўлиб
Оғу лойқасини ичган қуш ўша.*

*Иймоним комилдир, ҳар битта патдан
Қутлуғ ерда ўсар кумуш тераклар.
Қаранг, шундоқ Ҳасти Имомдан пастда
Юрар оқ яктакли мўмин лайлаклар.*

*Дуода тинчликни сўрар ёш-қари,
Шоқоллар омондир ҳамон барибир.
Бир оёқлаб турса – ёвузлик сари
Камони Чочийнинг пайконларидир!*

*Тошкент тонгларида бор ажиб афсун,
Кўрганлар албатта келишар қайтиб.
Қаранг, файзли юртда сизу мен учун
Лайлаклар юрибди шукрона айтиб!*

## ТОШКЕНТ ХОМАСИ

*Музей ҳам хилхона
қадар муқаддас,
Шовқин солинмайди бу
ерда зинҳор.
Осори-атиқа сокин берар сас,
Бунда аждодларнинг
уйғоқ руҳи бор.*

*Камони Чочий бу –
машҳури жаҳон,
Қай бир бобом кийган ушбу
жомани.
Илкис кўриб қолдим дўсти
қадрдон –
Суякдан йўнилган қалам –
хомани.*

*Мўъжизага жазман
бани одамзот,
Ҳайратга ҳамиша
талабгор олам.
Биринчи мўъжиза мана шу, ҳаёт,
Биринчи инкишоф шу –
хома – қалам!*

*Масиҳдан аввалроқ,
милоддан нари,
Бинкат осмонига сочган
қатим нур
Энг қадим идрокнинг
тасаввурлари,
Биринчи даҳодан мерос
тафаккур!*

*Кўзойнагин артиб бўйинбоғига,
Қайта тикилади оқсуяк
жаноб.
Маърифат ахтарган
зот сўроғига
Ундов белгисидек шу
хома жавоб.*

*Танга-терсакларда
жозиба бордир,
Қилич-тўфангларда даъво,
истило.
Вале кимки қалам
тутмоққа қодир
Дилида эзгулик, зеҳнида зиё.*

*Чин солномалари “Чже”
деб ёзган,
Камон товушини эслатар бу сўз.
Боболар хат боғлаб
камондан узган:
“Бизга чин дўст керак,
садоқатли дўст!”*

*Нурга чулғадими Миср кўкини
Буруқсаб Искандар кутубхонаси?
Бобил таназзулин
битди ўкиниб,
Қадимий ўзбекнинг
суяк хомаси.*

*Бу шундай элдирки,
қон-қонигача,
Суяк-суягига қадар
маърифат.
Бир ёруғ сўз учун
жонидан кечар,
Дунёга омонлик тилайди
фақат.*

*Кўҳакийнинг қутлуғ
қўллари тутган,
Шошийлар илкида азиз
бу қалам.
Битса, дўсту ёрга мактублар
битган,
Хома билан якдил бўлгандир
қалб ҳам.*

*Қодирий қўлини қайирган
қаттол
Дилимга сиёҳдек сочган
аламни.
Кейин ёқа тутган ақли
шошиб, лол,
Ойбек бармоғида кўриб
қаламни.*

*Биларсиз, Оқсарой
пештоқларига
Зўр Темурий ҳикмат
ёзилганини.
Биларсиз, Тошкентнинг
янги тархига
Қаламда таҳрирлар
чизилганини.*

*Ватаним саждагоҳ
каби муқаддас,
Тошканди азимнинг сирли
саси бор.
Зўлдирдек айланган чоғ
курраи арз
Таянч нуқта топган
мадрасаси бор.*

*Тошкент – севганники,
ой – ҳамманики,
Меҳрим изҳор этай
дилнома билан.
Фарзандлар сафида
турибман токи,
Қўлда отамерос шу
хома билан.*

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

*Юртлар бор — одамзот гул умри хазон,
Инсоннинг қадри ҳам қиймати арзон.
Бу азиз заминда инсон мукаррам,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Ватан кенгдир элнинг бағри кенг учун,
Юртбошининг меҳри қуёшга тенг учун.
Бу имкон, бу замон сену мен учун,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Бировлар ғамидан кўзларида ёш,
Суянгани—умид, таянчи—бардош.
Эзгуликка йўлдош, яхшига қардош,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Савоб деб саҳрода сардоба қурган,
Нон ёпса, қўшнига илиниб турган.
Нондек азиз, сувдек сероблик кўрган.
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Номардлар қаҳридан чарчади жаҳон,
Нокаслар заҳридан чарчади жаҳон.
Ўзингни тут инсон, кўзингни оч, инсон,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Бу қутлуғ масканда пирлар ётибди,
Дунёни лол этган сирлар ётибди.
Арслонлар ётибди, шерлар ётибди,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

*Тупроғи тўтиё маконга қуллуқ,
Худо берган давру давронга қуллуқ,
Азиз қилган азиз инсонга қуллуқ,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*

## ЎЗБЕКИСТОН, ЁЛҒИЗИМ!

*Ўзбекистон, онажоним, ёлғизим,
Боболарим кафтидаги юлдузим,
Жаннатлардан сувлар ичган илдизим,
Жаннат маконим менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!*

*Самандарсан – оловлардан соғ чиққан,
Бузрукворсан – етти ўғли шоҳ чиққан,
Алпомишсан –кўксидан чақмоқ чиққан,
Ўлмас достоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!*

*Ялпиз атрин билмас деҳқон бўлгайми?
Тинчлик қадрин билмас ўғлон бўлгайми?
Юртин севмас одам инсон бўлгайми?
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!*

*Неча аср кўз ёшларин ютган эл,
Соҳибқирон қайтишини кутган эл,
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,
Ўзбекистоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!*

## АВВАЛ КЕЛИНГ, КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОННИ

*Йироқларда дўндирасиз ёлғонни,
Учирасиз, қўндирасиз ёлғонни,
Эй, тўнини чаппа кийган жаноблар,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

*Ман-ман дея кўксингизга урибсиз,
Тоғ деб ўйлаб, яйдоқ қирда юрибсиз,
Абу Райҳон топган ерда юрибсиз,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

*Маънавият уммонида дур тердик,
Маёқ бўлиб йўлсизларга йўл бердик,
Муҳтож қолган ғанимга
ҳам қўл бердик,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

*Тарихларга савол ҳар бир биноси,
Ҳар қадамда даҳоси, авлиёси,
Дардингизни олар Ибн Синоси,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

*Отанг бозор, онанг бозор дейдилар,
Кимлар учун бозор — мозор дейдилар,
Бекорчидан худо безор дейдилар,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

*Гуллаётган, ўсаётган элдир бу,
Зулмат йўлин тўсаётган элдир бу,
Инсон номин безаётган элдир бу,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.*

